

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим”  
кафедраси  
мудири Мустафоев Бахтиёр Ибрагимовичнинг**

**Муסיқа фани ўқитувчиларининг  
малакасини ошириш курсларида ўтказилган  
машғулот ишланмаси**

**Мавзу: 1 - 4 – синфларда муסיқа таълим-  
тарбияси**

**Бухоро – 2015 йил**

# Мавзу: 1 - 4 – синфларда мусиқа таълим- тарбияси

## Дарсинг технологик харитаси

<b>Мавзунинг қисқача мазмуни</b> Бошланғич синф ўқитувчиларини кичик ёшдаги ўқувчиларда мусиқа таълимнинг аҳамияти, мусиқа сабоғининг ўзига хос хусусиятлари, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг психологик, физиологик хусусиятлари, мусиқа таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш усуллари, мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг профессиограммаси, образли тасаввур этиш, ижобий кечинмалар, аралаш дарс типи, ўқитувчининг педагогик малакаси ва маҳорати, эмоционал ҳолат, яхлит дарс тузилмаси, дарс элементлари, болаларга индивидуал ёндашиш, дарсда техник ва кўргазмали воситалар.			
<b>Соатлар сони:</b> 2 соат маъруза машғулоти			
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b> <b>Метод:</b> Оғзаки баён қилиш, савол-жавоб <b>Шакл:</b> индивидуал, кичик гуруҳларда ишлаш <b>Усул:</b> Амалий топшириқларни ёзма бажариш <b>Воситалар (техник ва дидактик):</b> мусиқа фани дарсликлари, ўқув режа, дастур проектр, компьютер <b>Назорат:</b> Оғзаки назорат, тингловчиларни ўз-ўзини назорат қилиши <b>Баҳолаш:</b> Рағбатлантириш			
<b>Дарсинг мақсад ва вазифалари:</b> <b>Таълимий:</b> - Бошланғич (1-4-) синфларда мусиқа таълим-тарбияси, талаблар билан таништириш <b>Тарбиявий:</b> -Ўқитувчи олдига қўйилган Давлат талабларини билиш <b>Ривожлантирувчи:</b> - мусиқа маданияти фанидан ўқув дастур, режа ва дарсликларни педагогик-амалий фаолияти давомида қўллаш олиш			
<b>Кутилаётган натижалар:</b> <b>Дарс якунида тингловчи билади (Билим):</b> Бошланғич синфларда мусиқа таълим-тарбиясини амалга ошириш асослари, мусиқа таълимнинг мақсад ва вазифаларини, моҳиятини билиб олади. <b>Дарс якунида тингловчи тушунади (Кўникма):</b> мусиқа маданияти фанидан ДТС талаблари, ўқув дастур, режа, қўлланма ва дарсликлардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш имкониятларини тушунади. <b>Дарс якунида тингловчи бажара олади (Малака):</b> Бошланғич синфларда мусиқа таълимини, таъбия жараёнини самарали ташкил этиш йўллари ишлаб чиқади			
<b>Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</b>			
Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вақт
<b>1-босқич:</b> <b>Ташкилий қисм</b>	Тингловчилар даволатини аниқлаш.	Оғзаки сўров	2 мин
	Тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиш		2 мин

<b>2-босқич:</b> <b>Ўтилган мавзуни такрорлаш</b>	1. Рефлексия. 2. Ўтилган мавзуни асосий тушунчаларини эслаш	Фронтал савол жавоб асосида	10 мин
<b>3-босқич:</b> <b>Янги мавзунинг баёни</b>	1. Ўқитувчининг тестология назарияси ҳақидаги кичик маърузаси	Сухбат-маъруза	15 мин
<b>4-босқич:</b> <b>Мустаҳкамлаш</b>	Гуруҳлар учун топширик: 1-гуруҳ. Мусиқа педагогикаси соҳасидаги ҳозирги долзарб масаларга тегишли Давлат ҳужжатлари 2-гуруҳ. Давлат ҳужжатларининг аҳамияти ва моҳияти.  2. Гуруҳ ишларининг тақдимоти	Кичик гуруҳда ишлаш  Тақдимот	20 мин  20 мин
<b>5-босқич:</b> <b>Баҳолаш.</b> <b>Дарс якуни</b>	1. Гуруҳлар ишини натижаларини баҳолаш 2. Фаол иштирок этган алоҳида тингловчилар фаолиятини баҳолаш	5 баллик тизимда	5 мин
<b>6-босқич:</b> <b>Уйга вазифа</b>	2 соатлик дарс учун ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш	Ёзма топшириқ	3 мин

**Режа :**

- 1. Бошланғич синф ўқувчиларининг психо-физиологик хусусиятлари.**
- 2. Бошланғич синфда мусиқа таълимининг мақсад ва мазмуни.**
- 3. Мусиқага идрок этиш ва ҳис этиш малакаларини шакллантириш.**

Кичик мактаб ёши даврига 6-10 ёшли бошланғич (1-4-) синфларнинг ўқувчилари киради. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қўйиладиган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Профессор Э.Ғозиевнинг «Психология» ўқув қўлланмасида таъкидланишича: Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзинингқизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки

фақат ўқувчи истагини акс эттиришдан иборатдир. Кичик мактаб ёши 1-синфдан бошланиши муносабати билан бу ҳақида батафсил тўхталамиз.

Биринчи синф мусиқа дарслари мусиқа тарбияси тизимида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунда ўқитувчининг синф ўқувчилари болаларнинг эса ўқитувчи ва у ўқитадиган фан билан танишуви амалга ошади. Ўқувчиларнинг мусиқа дарсларига муносабати ўрнатилади, кейинги мусиқий ишларига асос қўйилади. Шу боис, 1-синфда илк машғулотлар, айниқса катта аҳамият касб этади, чунки илк таассуротлар одатда жуда кучли бўлади.

Биринчи синфда мусиқа дарслари мақсад ва вазифалари олти-етти ёшли болаларнинг психологик-физиологик хусусиятларига асосланиб белгиланади. Бу синфда амалга ошириладиган барча мақсад – мусиқа тарбиясининг бош мезони- ўқувчилар маънавий бойлигининг таркибий қисми бўлган – мусиқа маданияти асосларини шакллантиришга қаратилади.

Биринчи синф ўқувчиси қуйидаги типик хусусиятларга эга бўладики, таълим-тарбия жараёнида албатта уни ҳисобга олиш лозим:

а) бутун организмнинг тўлиқ шаклланмаганлиги боис дарсни бир хил ўтказиш, бир хиллик фаолият натижасида ўқувчида тезда толиқиш, чарчаш ҳолати рўй бериши;

б) тизимли, мақсадга мувофиқ ақлий фаолият кўрсатиш кўникмаларининг шаклланмаганлиги;

в) болаларнинг диққат-эътибори ҳали барқарор даражада эмаслиги;

г) болаларнинг ўйин фаолиятига мойиллиги, у орқали ҳатто мураккаб материални ўзлаштиришга ҳам эришиш мумкинлиги ва .к.

Одатда 1-синф ўқувчиларининг мусиқий даражаси бир хил, тўқис эмас. Айрим болалар мусиқани тинглаш, идрок эта олиш малакасига эга, турли хил қўшиқларни ифодали куйлашга ҳаракат қилишади. Бошқалари эса махсус мусиқа тинглашни ҳатто тушунишмайди, тўғри куйлаш ҳақида тушунчага ега бўлишмайди. Бу еса уларнинг мактабгача таълим даврда мусиқий тушунча, маълумотлардан қай даражада баҳраманд бўлганликлари, ҳамда мусиқий муҳитга муносабати билан белгиланади. Бироқ, бу ёшда болаларнинг умумий хусусиятларини ҳам таъкидлашимиз лозимдир.

Мусиқа ўқитувчиси юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, 1-синф мусиқа машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда, албатта эътибор бериши талаб этилади.

Биринчи синф мусиқа дарслари «Биз мусиқани севамиз» йиллик мавзу асосида, 1- чоракда «Биз ёқтирган куй ва қўшиқлар»ни ўрганиш мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, чолғучилик, рақс ва ҳаракатлар, мусиқа ижодкорлиги сингари фаолиятлар орқали амалга оширилади.

1-синфда мусиқадан илк машғулотларда ўқувчилар диққати уларнинг боғчада ўрганган куй-қўшиқларини эслаш, оҳангидан билиб олиш, номларини айтиб бериш, мусиқани диққат билан тинглаб идрок этиш фаолиятларига жалб этилади.

Илк машғулотда болалар «Ўзбекистон Давлат мадҳияси» (А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусиқаси)ни тинглашади. Ундан сўнг «Куз» (А.Рўзимухамедов шеъри, С.Абрамова мусиқаси) кўшиги, «Чархпалак» (ўзбек халқ куйи) тингланади. Ўқувчилар ўзлари ёқтирган куй-қўшиқларни такрорлаш асосида мусиқанинг ифодавий хусусиятлари ҳамда умумий тушунчалар шакллантирилади бошланади. Шу мақсадда болаларга маълум бўлган «Анджон полкаси» куйи тингланиб рақсга тушилади.

Янги мусиқа дастурига асосан энг муҳими ўқувчиларни халқ мусиқаси билан таништириш, уларнинг илк таассуротларини шакллантириш айнан 1-синфдан бошланади. Шу мақсадда биринчи дарсларданок «Дўлонча», «Дилхирож» сингари халқ куйлари тингланиб, ҳаракатли ўйинларни бажариш, ўйин ҳаракатлари ифодаси билан қўшиқ куйлаш фаолияти амалга оширилади. Шуниси муҳимки, ўқувчи мусиқа машғулотининг фаолиятлари ўзаро боғлиқлиги асосида –тинглаш, ўйин, куйлаш фаолияти, мусиқа

саводхонлигини ўзлаштириш жараёнида куйнинг йўналиши, хусусиятларига мос ифодавий ҳаракатларни бажаришга жалб этилиб, ўқувчиларни мусиқа мазмунини ҳис этишга ўргатиб борилади.

«Чумчукча», «Айикполвон» мусикаларини тинглаб баланд ва паст товушлар, узун ва қисқа товушлар («Читти гул», «Биринчи қўнғироқ» ва бош.) мисолида ажрата олиш малакаларини эгаллай бошлайдилар.

Ўқитувчи ёрдамида «Пианино» (М.Зайниддинова шеъри, Нажмиддинов мусикаси) кўшиғини ўрганиш жараёнида товушларнинг йўналишига қараб юқорига ёки пастга қараб чиқиб, тушишини аниқлаб олишади. Фортепиано чолғу асбоби ҳақида қисқача маълумотга эга бўлишади. Бундан ташқари жамоа бўлиб куйлаш учун «Салом мактаб» (Ш.Ерматов мусикаси, П.Мўмин шеъри), «Читтигул» (ўзбек халқ кўшиғи), «Салом берган болалар» (Н.Норхўжаев мусикаси, П.Мўмин шеъри), «Қўғирчоғим» (С. Абрамова мусикаси) каби кўшиқларни тавсия қилинади.

Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларда мусиқани идрок этиш, асарнинг образли мазмунини тушуниш ва ҳис этиш малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илк мусиқа машғулотлариданок, ҳар бир мусиқа– куй билан танишиш, рақс ҳаракатларини бажариш, кўшиқ куйлашни ўрганиш энг аввало ўша асарни тинглаш, идрок этиш орқали амалга оширилади. Шу боис, ўқувчиларни мусиқани тинглаш, онгли-эмотсионал идрок этиш фаолиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Мусиқа товушларининг баланд-пастлигини қўл ҳаракатлари билан ифодалаш, бунда айтим машқлари, «Андижон полкаси», «Читтигул», «Пианино» каби кўшиқ ва куйлардан фойдаланилади.

Мусиқа ижодкорлиги янги дастурда фаолият сифатида илк бор киритилди. Бу фаолият болаларда мусиқий тафаккур, изланиш ва ижодкорлик малакаларини ўстириб бориш учун катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда мусиқа ижодкорлиги босқичида доира усулларини овозда имитация қилиб куйлаш («Бум бак-ка, бак-ка бум» ва бошқ. мисолида), ўқитувчи ижросида доира усулларини имитация билан бошқариш, янги рақс ҳаракатларини топиш («Дўлонча» ва бошқ.) сингари тадбирлар амалга оширилади.

2-чорак мавзуи «Мусикали ўйинлар ва кўшиқлар» деб номланади. Мусиқа тинглаш босқичида ўқувчилар «Ўзбекистон Давлат мадҳияси», «Қўйрчоғим- ўйинчоқ» (А.Мансуров мусикаси, Б.Ботиров шеъри, «Янги Тановар» (М.Мирзаев мусикаси), «Асп бўламан» (ўзб. халқ куйи), «Оқ теракми, кўк терак» (халқ болалар кўшиғи, «Жамалагим» (ўзбек халқ куйи)ларни тинглашади.

Жамоа бўлиб куйлаш босқичида ўқитувчи мусиқа, кўшиқнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириб, «Кичкинтоймиз, гижингтоймиз» (К.Кенжаев мусикаси), «Бахтли эркатой» (Т.Тошматов мусикаси, Мухаммад шеъри), «Пахтаой» (Ф.Назаров мусикаси, Т.Илҳомов шеъри) каби кўшиқларни ўргатади. Шунингдек, дастурда бастакорларнинг кейинги йилларда болаларга атаб яратган бир қатор янги кўшиқлари ҳам киритилган. Д.Омонуллаеванинг «Этикчам», Н.Норхўжаевнинг «Дўппи кийган болалар», Д.Омонуллаеванинг «Шўх қизалоқ» каби кўшиқлари шулар жумласидандир.

Чолғучилик, рақс ва ҳаракатлар фаолиятида болалар чапак, доирачилар шиқилдоқ ва қайроқчалар чалиб, куйга ритмик жўр бўлишни ўзлаштиришади. Бунда «Чаманда гул», «Яллама ёрим», «Олмани отдим» куйларидан фойдаланиш мумкин. Болалар чолғуларида чалиб кўшиқ куйлаш учун эса «Офтоб яхшими, одоб яхшими» кўшиғидан фойдаланилади.

«Уфори», «Асп бўламан», «Дучава» оҳанглари асосида рақс ҳаракатлари бажарилса, «Марш» оҳанги остида мусиқага мос қадам ташлаш машқ қилинади.

Мусиқа ижодкорлиги соҳасида баланд ва паст товушлар (топиб овозда куйлаш, уларни узун ва қисқа товушларда куйлаш. Мусиқага мос рақс ҳаракатларини топиш («Уфори», «Асп бўламан»). Чапак жўрлигида (И-гуруҳ), рақс тушиш (2-гуруҳ), («Асп бўламан», «Баҳор келади»). Гуруҳларни алмаштириб чапак жўрлигида рақс

ҳаракатларини бажариш амалга оширилади. Чорак якуни синф концерти билан тугалланади.

3-чорак мавзуси «Хушнаво созларимиз»га бағишланади. Бу чапак давомида ўқувчилар дутор, рубоб, уд, доира, най, ғижжак сингари миллий созлар, уларнинг ташқи кўриниши, товуш туслари ҳақида тасаввурга эга бўлишади. Болаларнинг назарий билимлари ушбу созлар ижросидаги (грёмёзув, пластинка ёки ўқитувчи ижроси) халқ куйларини янграши билан мустакамланади. Дуторда «Чертмак», рубобда «Дутор баёти», доирада «Доира усуллари» тингланади. Бир чолғу асбоби ижроси учун яратилган куйни бошқа созда ҳам ижро этиш мумкинлиги, чолғулар базми хусусида дарс-топишмоқ уюштирилиб «Дутор баёти» (дутор, рубоб), «Янги тановор» (рубоб), «Яллама ёрим» (доира, рубоб, дутор, уд ансамбли) ижролари тингланиб, куйларнинг товуш тембри (туси)дан қайси созда ижро этилганлигини аниқлаш топшириғи берилади. Бу билан миллий созларимиз кўплиги, хилма-хиллиги, куй ижро этишда уларни бир-бири билан уйғун қўшилиб кетиши жиҳатлари ҳақида муайян тушунчалар амалий мисоллар ёрдамида ўқувчиларнинг мусиқа созлари ҳақидаги тасаввурлари кенгайтирилади.

Жамоа бўлиб куйлаш учун: «Арча қўшиғи» ( .Мухаммедова мусикаси, З.Диёр шеъри), «Лайлак қор» (С.Абрамова мусиаси), «Гуллола» (Ил.Акбаров мусиаси, «Осмондаги ой» (ўзб.халқ айтишуви), «Онажонлар байрами» (Ил.Акбаров мусиаси, Н.Тошпулат шеъри) ва бошқа кўшиқлар тавсия этилади.

Мусиқа саводхонлиги- куйни график чизиқлар ифодасида тасвирлаш, куй чизмасига қараб уни куйлаш («Биз эккан арча», «Офтоб чикди оламга» мисолида), куй чизмасидаги узун ва қисқа товушлар устига чорак ва нимчорак ноталарни ёзиб, унга қараб куйлаш машқлари билан мустаҳкамланади. Куй регистрини қўл ҳаракатлари билан ифодалашга алоҳида эътибор берилиши, унда «Жамалигим» куйидан фойдаланиш мумкин.

Чолғучилик, рақс ва ҳаракатлар чапак, доирачалар, қошиқ, шиқилдоқ ва қайрочаларда чалиб, куйга ритмик жўр бўлиш асосида амалга оширилади. Бунда «Чаманда гул», «Яллама ёрим», «Олмани отдим» асарларидан фойдаланиш мумкин. Рақс тушишда «Уфори», «Асп бўламан», «Дучава» каби куйлар қулайдир.

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун улар диққатларини муайян нарсаларга қарата олмайдилар ва объектда узоқроқ тута олмайдилар.

Гарчанд 1 ва 2синф болалари кўпгина умумий хусусиятлар (ўйин шакли орқали ўқув материални яхши ўзлаштириш, ёрқин хаёл, муайян хотирага) эга бўлсалар-да, улар орасида маълум фарқлар ҳам бордир.

Энг аввало, иккинчи синф ўқувчиси энди «тажрибали» у мактаб кун тартибига ўрганган, дарс талабларини тушунган, диққати анча турғун ҳолатга ўтган Биринчи синф ўқувчисига нисбатан абстракт тафаккур этиш, яъни идрок этган ҳолатда фактларни таҳлил этиш ҳамда умумлаштириш қобилияти анча ўсган даражада бўлади. Мактаб фанларини ўзлаштириш, ўқий олиш малакалари, унинг дунёқарашини, жумладан, мусиқий тафаккурини кенгайтиришга ёрдам беради. Буларнинг барчаси ўқувчини бадиий-ижодий жиҳатдан камол топишига ёрдам беради. Бунда албатта, ўқувчи диққати алоҳида аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотлар биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари дарсда фақат 30-35 дақиқа диққат билан ўтириши, ўз диққатини муайян объектда ушлаб туриши мумкинлигини тасдиқлайди.

Иккинчи синф ўқувчисининг мусиқий ривожланиш даражаси, албатта, 1-синфда ўтказилган машғулотларнинг сифат ва самарадорлигига боғлиқ. Шунингдек, теварак-атроф, оила таъсири натижаларини ҳам эътироф этиш керак. Бироқ, бунда ўқитувчи ўқувчилар тайёргарлигига доимо паст баҳо бермаслиги лозим. Зеро, нормал ривожланаётган барча болада мусиқий қобилият у ёки бу даражада бўлиши мумкиндир. Рухшунос олим, профессор Б.М.Теплов ўзининг «Мусиқий қобилиятлар психологияси» китобида фаолият билан мусиқий қобилиятларнинг ўзаро боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Муסיқа таълими самарадорлигини таъмин этиш – ўқувчилар муסיқий қобилиятларини аниқлашни тақозо этади. Машғулотда ўқувчиларнинг муסיқа тинглаш, саводхонлик, кўшиқ ўрганиш, болалар чолғуларида чалиш, ритмик ҳаракатларни бажариш, муסיқа ижодкорлиги фаолиятларида намоён бўладиган «қобилиятлар»ни аниқлаш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг муסיқий фаолиятларда активлигини ошириш, уларни машғулотда оммавий жалб этиш орқали муסיқий қобилиятларини янада ривожлантиришга эришмоғи лозим.

2-синфда муסיқа таълими мазмуни ўқувчиларнинг муסיқий саводхонлигини ошириш, улар фаолиятини активлаштириш, босқичлар аро ўзаро боғлиқликка эришиб, дарс яхлитлигини таъминлашга қаратилиши керак.

2-синфда ўқувчиларга кўшиқ айтиш қоидалари асосида куйидаги талаблар кўйилади:

1. кўшиқ айтаётганда қоматни ростлаб, эркин туриш керак.
2. кўшиқни майин, оҳиста ва бақирмасдан айтиш. Сўзларни аниқ, бурро талаффуз қилиш.
3. кўшиқдаги урғули бўғинларни чўзиброқ, урғусизларни эса қисқа-қисқа айтинг.
4. Нафасни авайлаб, мисра охиригача етказиб ишлатинг.
5. Жамоа бўлиб кўшиқ ижро қилинганда ўртқларингиз билан баробар айтинг, улардан кейинга ҳам қолманг, илгарилаб ҳам кетманг.
6. кўшиқ айтаётганда муסיқа ўргатувчингизнинг кўл ҳаракатларига риоя қилиб, кўрсатмаларини аниқ бажаринг.
7. кўшиқ айтаётганда аввал шеър мазмунини яхши тушуниб, куйга мос равишда айтишга эътибор беринг.
8. кўшиқни ёқимли куйлаш учун овозни доимо эҳтиёт қилиш ва касалликдан асрашни ёдингизда тутинг.

Янги дастурга асосан 2-синфда муסיқа таълими куйидагича режалаштирилган.

Йил мавзуси – «Якканавозлик, чолғу дастаси, куй нима?». Куйнинг ифода воситалари деб номланади. 1-чорак «Якканавозлик, жўрनावозлик ва жўрсозлик» санъатларига бағишланиб, ўқувчиларнинг биринчи синфда олинган муסיқий тушунчалари ривожлантирилади. Ўқувчиларга якканавозлик, жўрनावозлик ва жўрсозлик ҳақида маълумотлар беришда ўқитувчи ҳар бир ижро санъати тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериши лозим.

Жамоа бўлиб куйлаш учун «Болалар ва ғозлар» (М.Қушмоқов шеъри, Ж.Нажмиддинов муסיқаси), «Мактабим» (И.Муслим шеъри, Ф.Назаров муסיқаси), «Пахтаой» (Т.Илҳомов шеъри, Ф.Назаров муסיқаси), «Пахтаойнинг байрами» (Т.Илҳомов шеъри, Ф.Назаров муסיқаси), «Салом бериб ўтамиз» (Тўлқин шеъри, И.Ҳамроев муסיқаси) каби кўшиқлар дастурда тавсия этилади.

Муסיқа саводи босқичида эса график чизиқларга қараб куйни юқори ва паст товушларда кўл ҳаракатлари билан ифодалаб куйлаш («Пианино»), куйни бир хил баландликда товушларда куйлаш («Офтоб чикди» мисолида), карточка ёзуви асосида саккизталиқ ва чорак ноталарни ўрганиш, уларни ритм усулларини овозда куйлаш машқ қилинади. Шунингдек, нота йўли ва скрипка калити билан танишув, «сол» нотасининг нота йўлидаги ўрнини билиб олиш, «Офтоб чикди оламга» айтим машқини «соль» нотасида аввал сўзлари билан, сўнг нота номлари билан кўл ҳаракатлари ифодасида куйлаш, «ля» нотасининг нота йўлидаги ўрнини тушунишига эришилади.

Чолғу асбобларида чалиш ва мусиқали ритмик ҳаракатларни бажариш фаолиятида ўқувчилар бир жойда туриб муסיқага хос ҳаракатларни бажариш, бир жойда туриб маршга қадам ташлаш («Усмония», «қари наво») ва ўл билан рас куйларига мос ифодали аракатлар бажаришади. («Офтобжон-ўртоқжон»). Бу оҳангларга учбурчак, доирачалар, шикилдоқлар ижросида ритмик жўр бўлиш машқ қилинади.

Муסיқа ижодкорлиги- машқ сўзларига янги куй басталаш, ўқитувчи ижрочилигига жўрсозлик қилиш, куй тавсифига мос рақс ҳаракатларини топиш («Офтобжон-ўртоқжон») ва рақсга тушиш асосида амалга ошириш назарда тутилади.

2-чорак давомида ўқувчилар якканавозлик ва яккахонлик.

«Чолғучи ва хонандалар дасталари» ҳақида муайян тушунчалар билан ошно бўлишади. Якканавозлик асосида ижро этиладиган «Дилхирож»(датор), «Уфори ганчи орабо» (афғон рубоби) куйлари тинглаш учун ўқувчилар диққатига ҳавола этилади.

Ансамбл (даста) ҳақида қисқача маълумот берилиб, ансамбл- франсузча сўз бўлиб, биргаликда, уйғунликда деган маъноларни англатиши, ансамбл хонанда ва созандаларнинг асосий элементларидан бири эканлиги айтиб ўтилади.

Даторчи қизлар дастаси томонидан ижро этиладиган «Чаманда гул», «Фабрика», «Ёшлигим» ўзбек халқ кўшиқ ва куйлари тингланади. Чолғучи ва хонандалар дасталарининг миллий маданиятимиздаги ўрни, ижро услуби, аҳамияти ҳақида гапириб берилади.

Маълумотлар ҳаётий, қизиқарли ва тушунарли бўлишига эришиш ўқитувчидан миллий санъат, анъанавий ижро услубларини пухта билмоқликни талаб этади.

Музыка саводи босқичида- нота йўлида «ми-ля» товушларининг жойлашуви, «Офтоб чикди» машқини нота ёзувига қараб турли вариантларда куйлаш, тўртталиқ ва саккизталиқ ноталарни доскадаги ёзув ёки карточкаларга қараб куйлаш, уларни «Бум-ба-ка» бўғинларида куйлаш, асарларнинг ифода воситаларини аниқлаш малакалари ўстирилиб, ривожлантирилади.

Ўқувчилар чапакда ва болалар чолғу асбобларида чалиб, музыка оҳангига ритмик жўр бўлиш («Офтоб чикди оламга», «Офтобжон-ўртоқжон») малакаларига эга бўлишлари лозим бўлади.

Кейинги ўқув чораги ҳам олдингисининг давоми бўлиб, у «Даста турлари. Куй нима? Куйда нималар ифодаланилади?» деб номланади. Бу чоракда музыка тинглаш босқичидан: куйидаги асарлар ўрин олган:

1. «Қашқарча». Ўзбек халқ куйи.
2. «Шохи сўзана» А.Муҳамедов музыкаси.
3. «Ҳалинчак» (болалар хори ва чолғу дастаси)
4. «Фарғонача» ўзбек халқ куйи.
5. «Олмани отдим» ўзбек халқ куйи.
6. «Дўппи тикдим» М.Левиев музыкаси.

Ўқувчилар «Арча байрами», «Наврўзим- шўх созим» (Н.Норхўжаев), «Арғимчок» (К.Раҳим шеъри, Ж. Нажмиддинов музыкаси, «Ота-оналарга» (Г.Қодиров музыкаси, Е.Раҳимов шеъри, «Ҳақкалар» (Н.Норхўжаев музыкаси, Н.Орифжонов шеъри, «Бойчечак» (ўзбек халқ кўшиғи), «Ўзбегимдан айланай» (Раҳмат шеъри, Н.Норхўжаев музыкаси) каби кўшиқларни жамоа бўлиб куйлашни ўрганишади.

Ўқувчиларнинг нота билан куйлаш малакаларини ривожлантириш давом эттирилиб, «До-Ля» босқичларининг номлари, нота йўлидаги жойланишини билиш, шу ораликдаги товушларни нотасига қараб куйлаш, тонликларнинг таянч босқичларини аниқ англаш, жумладан мажорнинг 1, 3, 5-босқичларини қўл ҳаракати ифодасида куйлашга эътибор бериш талаб этилади. Музыка фаолиятининг болалар чолғуларида чалиш ва ритмик ҳаракатларни бажариш қисмида чапакда ва болалар чолғуларида чалиб, оҳангга жўр бўлиш «Қашқарча», «Олмани отдим» ва «Юлдузлар» куйлари мисолида амалга оширилади. Музыка тавсифларига мос рақс ҳаракатлари «Олмани отдим», «Фабрика» куйи асосида, шунингдек музыкада ўйин ифодаларини «Иноқ ўйнаймиз» музыкаси асосида бажариш тавсия этилади.

Музыка ижодкорлиги бўйича, машқ сўзларига куй басталаш «Юлдузлар», музыка тавсифларига мос ҳаракатларни топиш, ўқитувчи ижросидаги куйга доира чертиб жўр бўлиш малакалари ривожлантирилади.

4-чорак мавзуси «Музыканинг ифода воситалари»га бағишланади».

Музыка –куйнинг тузилишида ўлчов, усул ва урғу, суръат сингари атамалар учрайди. Ўқувчиларга бу музикаий атамаларнинг ҳар бири билан алоҳида таништириш, уларнинг музыка тузилишидаги аҳамияти, вазифаси тушунтирилади. Бунда Д. Омонуллаевнинг «Нота билан куйлаймиз» (Т. 1977й) методик қўлланмасидан фойдаланиш



максадга мувофиқ. Унда муסיкий атамалар шеърий усулда ифодаланган бўлиб, ўқувчиларнинг муסיқа саводхонлигини оширишга ёрдам беради. Унда жумладан ўлчов, усул мазмунига куйидагича таъриф берилади.

Куй кўшиқлар янграйди,  
Хушоҳанг товушлардан.  
Куйни нотага ёзсанг,

Куй ҳосил бўлди, энди,  
Ритм (усул) холи не кечар.  
Бу жумбокни бемалол,

Сайраб берар қушлардай

Ўлчову тактлар ечар.

Тактда биринчи нота  
Доим урғули янграр.  
Урғуларда янглишсанг  
Куй оҳанги бузилар.

Куйлар тезлиги- темпдир.  
Темпсиз оҳангда «жон» йўқ  
Темп билан жонланар куй  
Бўлиб гоҳ вазмин, гоҳ шўх.

Муסיқа тинглаш босқичида: «Баҳор» ( А.Раҳмат шеъри, И.Акбаров муסיқаси), «Ковушим» (ҳазил кўшиқ), «Баҳор валси» (М.Мирзаев муסיқаси), «Шодиёна» (ўзбек халқ куйи), «Гулноз» (М.Мирзаев) ва бошқа куйлар тавсия қилинади. Бу асарларни тинглаш жараёнида болалар муסיқанинг ифода воситаларининг аҳамиятини идрок этишга ва тушунишга ҳаракат қилишлари лозим.

Жамоавий айтим фаолияти эса «Гул терамиз» (И.Муслим шеъри, И.Акбаров муסיқаси), «Ўйнадик, ҳеч тўймадик» (Ш.Ёрматов муסיқаси), «Лайлак келди» (ўзбек халқ куйи), «Онажоним» (С.Абрамова муסיқаси), «Бувижоним» (Д.Омонуллаева муסיқаси, П. Суюнов шеъри), «Капалак» (З.Диёр шеъри, М.Бурхонов муסיқаси), «Музқаймоқ» (Қаюмов шеъри, А.Мансуров муסיқаси), «Ватанжоним-ватаним» (П. Мўмин шеъри, Д.Омонуллаева муסיқаси) каби кўшиқларни ўрганиш билан боғлиқ.

Нота билан куйлаш босқичи- мажор ва минор тонликларида учтовушликларни куйлаш, до, мажор товушқаторини 24 ва 34 ўлчовларида тактлаб куйлаш, айтим машқлари ва ўрганиладиган кўшиқларни нота ёзувига қараб куйлашни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Чолғу асбобларида ижро этиш ва муסיкий-ритмик ҳаракатларни бажариш босқичида болалар чапакда ва болалар чолғу асбобларида муסיқага ритмик жўр бўлиш («Ғилдирагим»), доира чалишни қўл ҳаракати билан имитатсия қилиш машқлари бажарилади.

Шундай қилиб, 2-синф ўқув йили сўнгида ўқувчиларнинг муסיкий фаолиятлар бўйича эгаллаган назарий билим ва малакалари куйидаги мезонга мос келиши лозимдир.

- чолғу асбобларини товушидан аниқлаш, яккахонлик якканавозлик, чолғучилар дастаси ва хонандалар дастасини грамезувда аниқлай олиш.

Бола ўсиб, камол топа борган сари унинг мускул аппарати, асаб жараёнлари ҳам такомиллашиб боради. 3-синф ўқувчиларида бу ўзгариш айниқса сезиларли бўлиб олади. Тахминан 3-синфдан бошлаб идрок жараёнида бўлақларга ажрата билиш, аҳамиятли жихатни аниқ билиш, таҳлил ҳамда муҳокама юритиш бир қадар ўсади. Идрок жараёнида таҳлил (анализ) билан синтезнинг боғланиши яхшиланади. Ўқувчи тингланган ва эшитилган муסיқа образини аниқ идрок этиб, тасаввур этишга кўпроқ ҳаракат қилиши сезилади.

2-синф ўқувчиларининг ва қисман 3-синф ўқувчиларининг тасаввур хаёли бирмунча сифатлироқ бўлса-да, биринчи синф ўқувчиларининг тасаввур хаёлидан кам фарқ қилади, чунки 2-синф ўқувчиси ва қисман 3-синф ўқувчиси кам чалғийди, эндиликда унда хотирада сақланиб қолган ҳамда тасаввур хаёлидан фойдаланадиган таассуротлар кўпроқ бўлади.

3-синф ўқувчилари бирор ҳодисанинг қандай юз беришини ўз кўзлари билан кўришни хоҳлайдилар, уларда иштирок этиш истаги пайдо бўлади. Шунингдек, 3-ва 4-синф ўқувчиларида ўз-ўзини назорат қилишда муҳим сифат ўзгаришлари бўлади.

Ўқувчиларнинг юқорида баён этилган жисмоний ўсиш ва руҳий ўзгариш ҳолатлари, албатта мусиқий таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф ўқувчилари ишонувчан, ташқи таъсуротларга берилувчан бўладилар. Буюк алломаларимиз таъкидлаганидек, кишининг феъл-атвори ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаётининг дастлабки йилларида таркиб топади ва унда шу даврда пайдо бўлган сифатлар мустаҳкам ўрнашиб олади. Болада ижобий ҳиссиётларни, фазилатларни таркиб топтириш, юксак ахлоқ нормаларини шакллантириш учун бутун масъулият бошланғич синф ўқитувчисининг зиммасига тушади.

Мазкур ёш даврида таълим-тарбияда ўқитувчининг ҳар бир гапи, ҳар бир ҳаракати, таъсир кўрсатиш услуби унинг учун ҳақиқат мезони вазифасини бажаради. Чунки ўқувчилар ўқитувчиларига қаттиқ ишонадилар, унинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ соладилар, педагогик маҳоратидан жиддий таъсирланадилар, талабларига ҳамиша амал қиладилар, у берган топшириқларни бекаму-кўст бажаришга интиладилар. Психолог олим Е.Гозиевнинг таъкидлашича, худди ана шу даврда ўқитувчи учун: а) ўқувчиларнинг маънавиятига таъсир кўрсатиш, ижобий ҳис-туйғулари ва эзгу ниятларини қўллаб-қувватлаш; б) уларни атрофдаги кишиларга ёрдам беришга ундаш, тўғри мулоҳаза юритишга ўргатиш, номаълум қилиқлардан тийиш, табиат манзараларини кузатишга ва мусиқа тинглашга одатлантириш; в) уларга нималар билан шугулланиш кераклигини бурч ҳиссини тушунтириш; г) улар билан ўқилган китобларни, кўрилган томошаларни муҳокама қилиш имконияти тугилади.

Профессор Н.Ф.Добринин: «3-4 синф ўқувчилари ўз диққатларини бутун бир дарс давомида сақлаб тура оладилар. Лекин улар учун ҳам қисқа танаффуслар фойдалидир. Шунингдек, вақти-вақти билан машғулотнинг турини алмаштириб, суръатини ўзгартириб туриш, амалий ва назарий маълумотларни қўшиб олиб бориш лозим» дейди.

Учинчи синф ўқувчиларига мусиқий-ўқув материаллари ҳажми ва мазмуни ҳам анча кенгайиб бориши билан изоҳланади.

Учинчи синф мусиқа дарсларида 1-чорак мавзуи «Мусиқанинг ифода воситаларига, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш»га бағишланади.

Ўқувчиларнинг иккинчи синфда ўзлаштирилган куй тузилиши, унинг мусиқий ифодаси каби назарий билим, малакалари 3-синф ўқув йили бошида айнан эслатилиб, такрорланилади. Илк дарслардан бошлаб ўқувчиларга куй қандай тузилиши, куй ва усул тўғрисида маълумотлар берилади. Мусиқа тинглаш босқичида тавсия этилган «Дилхирож», «Роҳат», «Жамалагим» (ўзбек халқ куйи ва қўшиқлари), М.Мирзаевнинг «Жонон», Г.Қодировнинг «Рақс» куйлари мисолида ифода воситаларининг садоланиши, ифодалашдаги кучи, паузалар, куйларнинг баландлик туси (тембри) ва бошқалар тушунтирилади.

Жамоа бўлиб куйлашни амалга оширишдан олдин ўқувчиларга ашула айтишдаги ҳолат, нафасни режага солиш ва овоз ҳосил қилиш усуллари ҳақида методик тавсияномалар берилади. Жумладан, ашула айтишдаги ҳолат:

- 1-2 синфларда олган малакаларини такомиллаштириш, куйлаганда гавда, бош, елкалар, қўллар ва оёқлар, шунингдек овоз аппаратларининг эркин ҳолатда бўлишига эришиш;
- нафасни режага солишда – тўғри нафас олиш малакалари устида ишлаш давом эттирилиб, нафасни кўкрак қафасга олиниши ҳолларига йўл қўймаслик, олинган чуқур нафасни тўхтата олиш, ундан куйлаш учун таянч ҳосил қила билиш, айниқса, юқориги ва пастки ноталарни куйлаганда нафасдан тежамли фойдаланиш малакаларини ҳосил эттириш;
- товуш ҳосил қилишда эса – мардлик, жасурлик ҳақида қўшиқлар каби қатъий оҳангда айтиладиган ашулаларни енгил, силлиқ майин ва жарангдор овозда куйлаш, товушнинг кўпол, дағал ва нотекис бўлишига йўл қўймаслик, оғир суръатли асарлардаги узун жумлаларни куйлаганда нафасни режали тақсимлай олиш ва бошқа малака, кўникмаларни таркиб топтириш, ривожлантиришга эътибор қаратиш талаб этилади.

Жамоа бўлиб куйлаш босқичида «Кенг Туркистон» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри), «Мен ғунчаман» (.Рахимов мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеъри), «Олтин пахтаман – оппоғим» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри), «Шўх боламан» (.Рахимов мусиқаси, С.Жабборов шеъри), «Хумо қушим» (Д.Омонуллаева мусиқа, П.Мўмин шеъри) каби кўшиқлар ўрганилади. Жамоа бўлиб куйлаш жараёнида болалар паузалар (тиниш белгилари)га эътибор бериш, саккизталиқ ва чоракталақ паузаларни ўзлаштириш билан бирга кўшиқлардаги баландлик даражасини англаш, ўлчов, усул сингари назарий тушунчаларни эгаллашлари назарда тутилган.

Нота билан куйлаш фаолиятида айтим машқлари ва кўшиқларни ўқитувчи овозига эргашиб нота ёзувига қараб куйлаш («Юлдузлар», «Тепловоз»), мажор ва минор товушқаторларини 2!4 ва 3!4 ўлчовида чорак ва нимчорак ноталарда тактлаб (дирижёрлик) қилиб куйлаш, паузалар, чоракталиқ паузалар ҳақида назарий билимларга эга бўлишади.

Чолғу асбобларида ижро этиш ва мусиқий ритмик ҳаракатларни бажариш доирачалар, шикилдоқлар, ошиқ ва бошқа урма чолғу асбобларида чалиб, мусиқага ритмик жўр бўлиш («Олмани отдим», «Жонон») сингари куйлар асосида амалга оширилади. Шунингдек, оддий усулларни оғизда имитатсия қилиб чалиш, чолғу асбоблари товушларини овозда куйлаш, рақс ҳаракатларини топиб рақсга тушиш («Олмани отдим», «Жонон» ва бошқалар) машқ қилинади.

2-чорак «Хор ва оркестр» ҳақида умумий тушунчаларга асосланган бўлади. Мусиқа тинглаш босқичида куйидаги асарларни тинглаш тавсия этилади: «Қилпиллама» (ўзбек халқ лапари, «Усмония» (ўзбек халқ куйи), «Самои Дугоҳ» (Тошкент-Фаргона мақом йўлларида), «Куйлайман» А. Мухамедов мусиқаси), «Қорасоч» (ўзбек халқ кўшиғи).

Жамоа бўлиб куйлашда «Оппоқ қандим» (Ф. Алимов мусиқаси, П.Мўмин шеъри), «Кўшигимиз авжида» (Т.Азимов мусиқаси, Г.Комилов шеъри), «Қорбўрон Ўйнаймиз» (С.Абрамова мусиқаси, Б.Исроилов шеъри), «Янги йил Кўшиғи» (К.Абдуллаев мусиқаси, В.Ҳикмат шеъри) каби кўшиқлар куйланиши ўзлаштирилади.

Нота билан куйлаш босқичида айтим машқлари ҳамда кўшиқларни нота ёзувига қараб ўқитувчи овозига эргашиб куйлаш, мажор ва минор тузуги ҳақида тушунча ҳосил этиш, уларни асарлар тавсифида ажратиш, мусиқа тавсифларининг шаклланишида суръат ва усулнинг аҳамиятини тушуниш малакалари билан таништирилади. Шунингдек, тингланадиган асарлар тавсиф хусусиятларини усуллар ифодасида аниқлаш, оддий усулларни нота ёзувига қараб бармоқ учида чертиш, машқ ва кўшиқни доира усуллари жўрлигида куйлаш, 2!4 ва 6!8 ўлчовлари усулига дирижёрлик қилиш, машғулотлар мазмунида мусиқа ижодкорлигидан кенг фойдаланиш ушбу босқич фаолияти мазмунини белгилайди

3-чорак мавзуси «Мусиқанинг тузилиши. Куйнинг такрорланиши, мусиқанинг ўзгармас ва ўзгарувчан қайтарилиши» хусусидаги маълумотларга бағишланади.

Бунда куйнинг такрорланиши- мусиқада «реприза» ёки «қайтариш» маъноларини англантилиши тушунтирилиб, нота чизикларида бу белгиларнинг ёзилиши кўрсатилади. Мусиқадаги «реприза» атамаси Д.Омонуллаеванинг куйидаги шеърий таърифи билан мустаҳкамланади:

Куйнинг асосий қисми  
Яна янграйди такрор.  
Бу исм чеккасида  
Реприза белгиси бор.

Мусиқада, куйда маълум исмларнинг қайтарилиши «Лазги», «Рок қашқарчаси», «Норим-норим», «Найрез», «Дилбар», «Рақс» ва бошқа куйлар мисолида чалиб эшиттирилади. Тингланган мусиқа асарларининг характери, мазмуни, бадий ифода воситалари, умуман асар бадий баҳоси ҳақида ўқувчилардан сўраб олингач, уларнинг фикр-мулоҳазалари умумлаштирилиб, ўқитувчи берган маълумотлар бойитилади.

«Нишолда» (Д.Омонуллаева мусикаси, Р.Толиб шеъри), «Хор» (Ш.Ерматов мусикаси, Зулфия шеъри), «Кувноқ болалар кўшиғи» ( Г.Қодиров мусикаси, .Қаюмов шеъри), «Бойчечак» (А.Рахмонкулов мусикаси), «Бинафша» (Д.Зокиров мусикаси, П.Мўмин шеъри) каби кўшиқларни ўрганиш жараёнида асарларнинг қайтариш бўлаги, нота матнларидан кузатилади, куйлаш жараёнида унга амал қилиш малакалари шакллантирилади. Куйнинг ўзгармас ва ўзгарувчан қайтарилиши хусусида маълумот бериш билан мазкур мавзу янада мустаҳкамланади.

Ўқувчиларга қискартириш белгиларидан, яъни бошидан охиригача, (охири), яъни сено белгисидан то охиригача, бошидан белгисига, сўнгра кода ўтилади деган маъноларни аниқлаши ҳақида маълумотлар берилади.

4-чоракда ўқувчилар «Оддий мусиқа шакллари, банд ва нақарот» билан танишишади.

3-синфда ўқувчилар мусиқа дарсларида мусиқанинг ифода воситалари (мусиқа нутқи), унинг тузилиши, такрорланиши, мусиқанинг ўзгармас ва ўзгарувчан қайтарилиши ҳақида маълумотлар билан биргаликда, оддий мусиқа шакллари, банд ва нақарот мавзулари хусусида ҳам яхлит назарий билим, малака ҳамда кўникмалар доирасини таркиб топтиради. Мусиқанинг умумий тузилиши ҳамда бир қисмлиқ, икки қисмлиқ, уч қисмлиқ асарлар ҳақида қисқача маълумотларга эга бўлишади.

Мусиқа тинглаш босқичида «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси», «Фаргонача тановар», «Бибигул», «Ракс» (О.Холмухамедов мусикаси), «Хумо қушим» (Б.Умиджонов мусикаси), «Жўжаларим» (Т.Муталибов шеъри, Миртемир таржимаси, Г.Хусейнли мусикаси) каби куй ва кўшиқлар тингланади.

Жамоавий айтим босқичида эса ўқувчилар «Қўзиларим», «Ой бўламиз, той бўламиз» (С.Барноев шеъри, Х.Раҳимов мусикаси), «Лайлак» (Г.Қодиров мусикаси, Уйгун шеъри) каби кўшиқларни ўрганишади. Шунингдек, кўшимча материал сифатида «Салимжон-нимжон», «Каклигим», «Пиёда аскарлар кўшиғи», «Камалак излайман» каби кўшиқлар ҳам тавсия қилинади. Ўқувчилар бу кўшиқларни ўрганишда ифодали куйлашга эришиш, банд ва нақаротни ажрата билиш малакаларини ам ўзлаштирадilar. Куй ва нақаротнинг бир-биридан табиати, ўзига хос фарқли томонларини аниқлашади.

Ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини ошириш- мажор ва минор учтовушлиги ҳамда товушаторларини нота ёзувига қараб куйлаш, уларни лад оҳангига қараб ажратиш, учтовушликларни бош пардасига таяниб куйлаш, куйланадиган кўшиқларни оҳангига қараб ладини аниқлаш, айтари (реприза) ҳақида тушунча ҳосил қилиш («Кўшиғимиз авжида») орқали амалга оширилади. Шунингдек, алтератсия белгилари- диез, бемол, бекар, 2!4 ва 3!4 ўлчовида берилган қисқа куй машқларини ўлчовига мувофиқ такт чизикларини ўйиб чиқиш машқлари ҳам бажарилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, дастурда мусиқий материалларнинг тавсия этилганлиги, ўқитувчининг ўқувчилар қизиқиши, мусиқий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда улардан танлаб ўргатиш имкониятига эга эканлиги мусиқа дарсларини янада қизиқарли ва самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, 3-синф сўнгида ўқувчиларнинг мусиқа маданияти фанидан эгаллаган билим ва малакалари куйидаги мезонга жавоб бериши лозимдир.

Иккинчи синфда ҳосил бўлган билимлар, мусиқа идроки ва айтим малакаларини ривожлантириш, лад ҳамда ритм усулига кўра асарнинг исмлари, тавсифлари ва мазмунини аниқлаш, асарларнинг умумий тузилиши- бир исмлиқ, икки исмлиқ, уч исмлиқ ҳамда банд, нақарот ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;

- даста (ансамбл) ва оркестр фарқини билиш, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестр таркибидаги асосий чолғу асбоблари билан танишиш ва уларни туси (тембри) ва регистрдан ажрата олиш;

- жамоавий айтим ва уларнинг асосий овоз турлари билан танишиш;

- овоз ва чолғу асбоблари турларини регистри ва тембридан ажрата олиш;

- асарларни ўрганиш жараёнида бастакорлардан М.Бурхонов, М. Насимов, Д.Зокиров, Г.Қодиров, М.Тожиев ижоди билан танишувга эга бўлиши;
- иккинчи синфда эгаллаган айтим малакаларини мустакамлаш (овоз диапозони: ДО<sub>1</sub>- РЕ<sub>2</sub>. Кўшиқларни ифодали куйлашга одатланиш, ашўла айтишда соф интонатсия, аниқ, равон ва ёрқин талаффузга ва тўғри нафас олиб куйлашга эришиш;
- айтим машқларида бир бўғин билан 2-3 товушда куйлаш, товушни легато, нон-легато, стакатто тарзида тез ҳамда суст суръатда куйлаш, эпизодик ва мустақил куйларга эга бўлган икки овозлик машқлар ва кўшиқларни куйлаш ҳамда бошқалар.

Тўртинчи синф ўқувчисига умумий тавсифнома бериладиган бўлса, бу ёшда бола-«типик» ўқувчи сифатида шаклланган бўлади. Жисмоний жиҳатдан у анча кучли, ақлий ривожланиши ҳам 1-2 ва 3- синф ўқувчисига нисбатан юқори, ақлий тафаккур соҳасида 4-синф ўқувчиси анча кенг имкониятларга эга бўлади. Диққат ва хотиранинг ривожланиш даражаси ҳам анча кенг.

Бирок, уларнинг қизиқиш ва мойиллиги ҳали тўлиқ шаклланмаган ва аниқланмаган бўлади. Бу ҳолатларнинг барчасига мактабда таълим-тарбия ишининг натижалари катта аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Агар 1-2-3 синфларда болалар ўқув фаолиятининг истаган тури (кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, мусиқа асбобида чалиш ва бошқалар) га тайёр бўлиб, қизиқувчанлик ва мойиллик билдирадиган бўлса-да, 4-синфга келиб, болаларнинг қизиқиши бўйича турланиш (дифференция) анча аниқ бўлиб қолади. Худди шу пайтларда айрим ўқитувчилар ўқувчилар қобилияти даражасига етарли баҳо беришда адашиб қолиш ҳолларини содир қилишади. Зеро, шахснинг кўпгина қобилиятлари, жумладан мусиқий қобилиятлари ҳам ёшининг турли босқичларида ривожланиши мумкин ва бу табиий ҳолдир.

. Мухими ўқитувчи 4-синф ўқувчиларига синф - гуруҳ ҳаётига анча ўрганиб бораётган, мустақил ривожланиш, ижтимоий ҳаётга қизиқиши, фаоллиги ошиб бораётган ўқувчи шахси сифатида қараши лозим бўлади.

Тўртинчи синф ўқувчиларига мусиқий-ўқув материалларининг ҳажми ва мазмуни ҳам анча кенгайди. Тўртинчи синф мусиқа машғулотларининг йил мавзуси «Халқ мусиқа ижодига бағишланади. Шунингдек, ўзбек халқ мусиқасининг оммавий жанрларига оид назарий билим, малакаларни эгаллаш ушбу синфда олиб бориладиган мусиқий таълим-тарбиянинг асосини ташкил этади. 1-чорак давомида ўқувчилар ўзбек халқ мусиқа ижоди, унинг оммавий жанрлари тўғрисида умумий тушунчаларга эга бўлишади. Бу ҳақда ўқитувчи батафсил маълумот беради:

Ўзбек миллий мусиқаси асрлар давомида икки асосий йўналишда- фольклор ва профессионал (касбий) йўналишда ривожланиб келган. Анъанавий касбий мусиқа мустақил жанр сифатида «Халқ мусиқаси», «Халқ касбий мусиқаси», «Классик мусиқа» каби номлар билан аталиб келган. Сўнгги вақтларда кўпроқ «Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа» деб юритиладиган бўлди.

Ўзбек халқ мусиқасининг оммавий жанрлари - лапар, терма, кўшиқ, алла, болалар кўшиғи, ёр-ёрлар, ялла каби айтим хусусиятига эга оммавий жанрлар ҳақида тушунчалар берилди.

Мусиқа тинглаш жараёнида «Эй, мерибоним» (халқ куйи), «Чаманда гул», «Бойчечак», «Фабрика» (халқ кўшиғи), «Ҳей бола» каби халқ куй-кўшиқлари эшиттирилади. Ўзбек халқ мусиқасининг оммавийлик жусусиятлари, тарихи, халқ орасида жуда кенг тарқалиб кетганлиги таъкидланиб ўтилади.

Шунингдек, ўзбек халқ ижоди фольклорининг улкан хазина бўлиши билан бирга жуда ранг-баранглиги билан ҳам қимматли эканлиги уқтирилади. Тошкент, Фарғона, Хоразм, Самаранд, Сурхондарё сингари воҳаларда бир-бирига ўхшамайдиган халқ ижоди мактаблари мавжудлиги таъкидланиб, маҳаллий халқ оғзаки ижодидан ҳам намуналар сифатида келтирилиб, унинг шеvasи, ижро услуби, ўзига хослик жиҳатлари хусусида ўқувчиларга маълумотлар берилди. Шу мақсадда дастурда «Тошкент ёр-ёри», «Наманган ёр-ёри», «Самаранд ёр-ёри» каби халқ кўшиқларини тинглаш тавсия қилинган.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси» (А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусиқаси), «Ўзбекистоним» (Қамбар ота шеъри, Л.Муждабоева мусиқаси), «Темур бобом- менинг бобом» (Н.Нарзуллаев шеъри, С.Жалил мусиқаси), «Яхши бола» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри) каби кўшиқларни ўрганиб, биргалашиб куйлаш тавсия қилинади.

Мусиқий саводхонликни оширишда куйи синфларда олинган билим, малакаларга таяниб, кўшиларни нота номи билан куйлаш иқтидорини ривожлантириш, мажор ва минор уч товушликлари ҳамда товушқаторларини жўрли ва жўрсиз услубда эшитиш, таққослаб аниқлаш, куйлаш амалиётларидан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилади. 3/4, 4/4-ўлчовлари кучли ва кучсиз ҳиссаларига кўра таққосланиб, уларнинг фарқларини ажрата олиш малакалари ўргатилади. 3/4- ўлчовида битта (биринчиси) кучли ҳисса, ҳамда учинчиси - нисбий кучли ҳиссадан иборат эканлиги тушунтирилади.

Мусиқа (товушларини) тавсифларини рақс ҳаракатларида ифодалаш «Ялли-ялли», «Қашқарча», «Уфори», «Андижон полькаси» куй ва мусиқалари урма чолғу асбобларида, чапакда ёки бармоқ учи билан чертиб мусиқа усулига ритмик жўр бўлиш машқи амалга оширилади.

2-чорак мавзуси «Халқ ашулалари ва ашула йўлидаги куйлар. Ўзбек мусиқасида бастакорлик услуби» деб номланади.

Ўқитувчи ўқувчиларга халқ ашулалари ҳамда ашула йўлидаги куйлар, уларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида умумий тушунчалар бериб ўтади.

Ҳаётимизни халқ куй-кўшиқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Азалдан халқ кўшиқларида кишиларнинг орзу-армонлари, удумлари, ғам-андуҳлари куйланиб келинади. Халқ ашулалари содда-равонлиги, оҳангдорлиги, тезда эса қоларлиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларга «Гиря», «Қари наво», «Дилхирож» каби куйлар ҳамда «Фигонким» (Фуркат шеъри), «Гулузорим» ( Ҳожи Абдулазиз мусиқаси) ни тинглаш тавсия қилинади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолиятида ўқувчиларга «Ўзбекистоним» (Қ. Ота шеъри, Е.Шварц мусиқаси), «Соғлом авлод кўшиғи» (Ш.Ёрматов мусиқаси, С.Барноев шеъри), «Юлдузлармиз, юлдузлар» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри) ва бошқа кўшиқлар ўргатилади.

3-чорак эса «Композиторлик услуби» ҳақидаги тушунчага бағишланади. Мусиқа тинглаш босқичига куйидаги асарлар тавсия қилинади.

«Мирзачўл» С.Юдаков мусиқаси «Теримчилар кўшиғи» . «Қалбимда» (С.Жалил мусиқаси), «Давра кўшиғи» (С.Юдаков мусиқаси, Ғ. Гулом шеъри), «Гул диёрим» (М.Бурхонов мусиқаси, Е.Воҳидов шеъри).

«Шафтолига саволим» (Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри), «Биз аскармиз» (Н.Норхўжаев мусиқаси, И.Рамон шеъри), «Ойим хурсандлар доим» (Е.Шварц мусиқаси, Т.Илҳомов шеъри), «Болалигим -гулбаҳор» (У.Рашид шеъри, З.Нажмиддинов мусиқаси) ва бошқа кўшиқлар синфда жамоа бўлиб куйлаш учун режалаштирилган.

Ўқитувчи ўқувчиларга жамоа бўлиб куйлашнинг хусусиятлари, тартиб қоидаларини ҳамиша уқтириб бориши лозим бўлади.

Мусиқа саводхонлиги босқичида мажор ва минор товушқаторини нота номи билан куйлаш, мажор товушқаторини аввал чоракталик ноталарда 2/4 (до-до, ре-ре, ми-ми ва бошқалар) сўнг пунктир ритмлар ( ..... ва ҳоказо) тактлаб куйлаш малакалари шакллантирилса, ўқитувчи овозига жўр бўлиш ҳамда мустақил тарзда 4/4 ўлчовидаги айтим машқлар куйлаш, куй ва кўшиқлардан парчаларни нотага қараб солфеджио куйлаш, соль мажор тонлигининг тузилишини нота ёзувида ўрганиб куйлаш каби фаолиятлар ҳам амалга оширилади.

Ўқув йилининг 4-чорагида ўқувчиларга «Композиторлар ижодида халқ мусиқасининг намуналари» ҳақида маълумотлар бериш назарда тутилади. Ўқувчиларга халқ ижоди, жумладан мусиқа ижоди улкан илҳом манбаи бўлиб, композиторлар фаолиятида муҳим ўрин тутганлиги қайд этиб ўтилади.

Бир қатор ўзбек композиторлари халқ куй ва кўшиқларини қайта ишлаб, оркестр ижроси учун мослаштирганликлари айтиб ўтилади. Жумладан: «Жазоир» (Д.Зокиров ўзбек халқ чолғу оркестрига мослаштирган), «Самой Дугоҳ» (ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун Д.Зокиров қайта ишлаган), «Чоргоҳ» (Д.Зокиров қайта ишлаган), «Бухороча мавриги» (жўрсиз хор учун Б.Умиджонов қайта ишлаган) каби асарлар эшиттирилади.

Жамоа бўлиб куйлаш учун эса Н.Норхўжаев ва Ҳ.Муаммаднинг «Доно бола», Ш. Ёрматов ва П.Мўминнинг «Икки кўйманг ўқитувчим», Н. Норхўжаевнинг «Антиқа мусобаа» ва К.Комилов, П.Мўминларнинг «Камалак излайман» сингари кўшиқлари тавсия қилинади.

Муסיқий саводхонлик даражалари ўқувчиларнинг Фа мажор Ре минор тонликлари уч товушликлари, уларнинг тузилишига биноан ўрганиб куйлаш, турли ритмик тузилишида куйлаш, мазкур тоналликларни 6/8 ўлчовида куйлаш, машқ, кўшиқ ҳамда куй парчаларини Фа мажор ва Ре минор тонлигида куйлаш орқали амалга оширилади.

Тўртинчи синф ўқув йили охирида ўқувчилар муסיқа таълимидан куйидаги назарий билим ва амалий малакаларга эга бўлиши талаб этилади:

- Ўқув йили давомида ўрганилган асарларнинг номлари ва ижодкорларини билиш, халқ муסיқасининг бадиий бойлиги, тарихий жиҳатдан ранг - баранглиги ва гўзаллиги, унинг жанрга бойлигини таърифлаб бера олиш;
- Ўзбек халқ муסיқасининг оммавий жанрлари (терма, кўшиқ, лапар, ялла ва чолғу куйларини билиш ва уларни бадиий тавсифларига кўра ажрата олиш;
- Халқ муסיқасидаги оммавий кўшиқларнинг ҳаётни ўрнига қараб меҳнат ва оилавий маросим кўшиқлари турларига мансуб эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш;
- Ўзбек муסיқа амалиётида ижоднинг уч услуби- оммавий халқ муסיқа ижоди, бастакорлик ҳамда композиторлик ижодлари мавжудлиги ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш;
- Атоқли ўзбек бастакорлари . Ҳ. Абдурасулов, Т. Жалилов, Ю. Ражабий, М.Мирзаев, Ф.Содиқов, Н.Ҳасанов, Ғ.Тошматов ва бошқа ижодкорлар, уларнинг фаолияти билан таниш бўлиш;
- Асарларини ўрганиш жараёнида композиторлар М. Бурхонов, С.Юдаков, А.Мухамедов, Б.Умиджонов, С.Жалил, Д.Зокировлар ижодини билиш;
- Асарларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг ижрочилари, хор ва овоз турларини аниқлаш;
- Овоз турлари – болалар овози, эркаклар овози ва хотин-қизлар овозини билиш, куйи синфларда ҳосил этилган айтим малакаларини амалда қўллаш;
- Кўшиларни ифодали куйлаш, кўшиқлар тавсифига кўра сўзларни тўғри талаффуз этиш, куйчан кўшиқларда сўзларни аниқ, юмшоқ ва чўзиб, шўхчан ва марш кўшиқларида эса сўзларни чаккон ҳамда аниқ талаффуз этиш малакаларига эга бўлиш талаб этилади.

### ***МАВЗУ ЮЗАСИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ :***

1. Бошланғич синфларда муסיқа дарсларини тахминий режалаштириш (Тузувчилар Д.Омонуллаева ва бошқ. ) -Т. 1995.
2. Омонуллаева Д. «Нота билан куйлаймиз».- Т.,1977.
3. Омонуллаев Д. Мактабда муסיқа тарбияси методикасидан лекциялар курси.- Т.,1990.
4. Умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа маданияти фани бўйича синов дастури (1-7 синфлар). -Т.,1998.

5. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси. «Маърифат» газетаси, 1992-й, 25-ноябр.
6. Ўзбек мусикаси тарихи. Тузувчи Т.Е.Соломова.- Т., 1981.
7. Қодиров Р.Г. Бошланғич мактабда кўп овозли куйлаш.- Т., 1997.
8. Нурматов Х.,Норхўжаев Н. Мусиқа алифбоси. 1-синф дарслиги. – Т., “Ўқитувчи”, 1998.
9. Иброҳимов О. Мусиқа . 4 – синф учун дарслик. Т., 2007.
10. Мусиқа . 2 – синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. Т., 2008.

“